



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 28 январь, № 18 (9189)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



АҲОЛИНИНГ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТИ ҲАМДА МОЛ-МУЛКИ ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 январь куни Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси хузуридаги кўриқлаш хизмати фаолияти билан танишди.



Мамлакатимизда аҳолининг тинч ва осойишта ҳаёти ҳамда мол-мулки дахлсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, илгор хорижий тажриба асосида замонавий ёндашувлар жорий этилмоқда. Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Кўриқлаш департаментига қўйилган асосий вазифалардан бири ҳам айнан шу саналади.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йилдаги тегишли фармон ва қарори ижроси доирасида Кўриқлаш департаменти Миллий гвардиядан ички ишлар органлари тизимига ўтказилди. Ушбу фармон ва қарорда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида аниқ режалар ишлаб чиқилиб, тегишли чоралар кўрилди.

Техник кўриқлашнинг ташкил этиш ва аҳолига техник кўриқлаш хизматларини кўрсатишнинг янги тизимлари жорий этилди.

Хусусан, кўп қаватли уйларнинг йўлакларига “ташвиш” тугмаларини ўрнатish орқали кўриқлаш нарядларининг қамрови остидаги хонадонлар сони кескин оширилди, химоя ордери берилган аёлларнинг хавфсизлигини таъминлаш амалиёти жорий этилди.

Объект ва хонадонларни кўриқловга олиш ишларида ички ишлар органларининг тегишли хизматлари билан ҳамкорлик тизими йўлга қўйилди.

Натижада кўриқланаётган объектларнинг сони йил давомида 99 фоиз-

га, кўриқдаги хонадонларнинг сони эса 118 фоизга ошди. Техник кўриқлаш марказларининг сони 19 фоизга, уларга хизмат кўрсатувчи тезкор ҳаракатланувчи гуруҳларнинг сони эса 15 фоизга ошди.

Давлатимиз раҳбари хизмат биноси ҳовлисида хизматда қўлланилаётган махсус техника воситалари, дронлар манёври, жамоат тартибини сақлашга жалб этиладиган транспорт воситаларини кўздан кечирди.

Сўнг кўриқлаш техника воситаларининг кўргазмали тақдими билан танишилди. Бу ерда “Хавфсиз шаҳар” концепциясини жорий этиш ва уни изчил ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йилдаги тегишли қарори билан белгиланган аниқ механизмлар амалиётга жорий этилиши натижасида республика миқёсида “Хавфсиз шаҳар” концепцияси босқичма-босқич татбиқ этилмоқда. Кўргазма майдончасида юридик ва жисмоний шахсларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилган видеокузатув тизимлари ҳамда турли хил камераларнинг реал вақтда ишлаш жараёни намойиш этилди, уларнинг техник имкониятлари тушунтирилди ва амалий тавсиялар берилди.

Тақдимот доирасида айланма каме-

ралар, юз қиёфасидан шахсни аниқловчи камералар ҳамда давлат рақам белгисини аниқловчи камераларнинг имкониятлари кўрсатилди. Ушбу техник воситалар маҳаллалар, жамоат жойлари, объектлар, таълим муассасалари, шунингдек, шаҳар ва туманларнинг кириш-чиқиш нуқталарига ўрнатилмоқда.

Бугунги кунда барча ҳудудий ички ишлар бошқармаларида сунъий интеллект асосида ҳудудларни онлайн кузатиш, тезкор қидирув ишларини олиб бориш, куч ва воситаларни бошқариш ҳамда жиноятларни “иссиқ изидан” фош этишга хизмат қилувчи “Қалқон” ахборот тизими тўлиқ ишга туширилган.

Давлатимиз раҳбари ички ишлар ва кўриқлаш хизмати ишларни маҳалладан бошлаши, хонадонларнинг ҳолатини ўрганиб, уларнинг хавфсизлигини таъминлаши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Тошкент мегаполиси шаҳар эканини инобатга олган ҳолда қонунбузарлик ва жиноят омилларини мунтазам таҳлил қилиш кераклигига эътибор қаратди.

“Хавфсиз шаҳар” концепцияси доирасида ягона платформа, 13 та маълумотларни қайта ишлаш маркази, ягона электрон харита, 42 минг 750 та интеллектуал камера ҳамда 17 та ёнгин хавфсизлиги мониторинги тизими фаолият юритмоқда. Ушбу тизимлар кон-

цепциянинг асосий таркибий қисmini ташкил этади.

Жорий йилда ҳам вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда интеллектуал транспорт тизимлари, автотураргоҳларни бошқариш, экологик ва сейсмологик мониторинг, шунингдек, фавқулодда вазиятларда огоҳлантириш тизимларини жорий этиш ва интеграциялаш ишлари давом эттирилаётгани маълум қилинди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва давлат органларининг “Хавфсиз шаҳар” ягона платформаси техник имкониятларидан уйғун фойдаланиши натижасида бир неча юз миллиард сўм бюджет маблағлари тежалаётгани қайд этилди. “Хавфсиз шаҳар” концепциясини жорий этиш бўйича Ўзбекистон тажрибаси халқаро даражада ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шу билан бирга, яратилган шарт-шароитлар натижасида Ички ишлар вазирлиги Академиясида Рақамлаштириш департаменти учун замонавий талаблар асосида янги бино қурилиши бошлангани маълум қилинди. Йил якунига қадар тармоқ қамровини янада кенгайтириш, сунъий интеллект асосида камида тўртта янги тизимни платформага улаш ҳамда рақамлаштириш даражасини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш режалаштирилган.

Президентимиз ҳозирги кунда жи-

ноятчилик шакллари ва омиллари ўзгараётгани, аммо уларга мос тизим ва чоралар етарли эмаслигини қайд этди. Айниқса, киберхавфсизлик йўналишида жиноятлар кўпайиб бораётгани ва ушбу хавфларни бар-тараф этиш бўйича ишлар жадаллаштирилмаса, аҳоли учун жиддий қийинчиликлар юзага келиши мумкинлигини таъкидлади.

Бу борада салоҳиятли кадрлар етишмаслиги асосий муаммо экани, банк ва ички ишлар органлари ходимларининг билим ва малакасини ошириш, уларни мунтазам ўқитишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини билдирди. Шунингдек, видеокузатув тизимларини жорий этишда уларни ўрнатадиган ва самарали бошқарадиган мутахассисларни тайёрлаш, даврий ўқувларни ташкил этиш муҳим эканини таъкидлади.

Шундан сўнг Тошкент шаҳрида ташкил этилган “Хавфсиз кўча”, “Хавфсиз йўлак” ҳамда гастрономик йўлакларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан ҳам танишилди.

Таширф давомида кўриқлаш хизмати ходимларини соҳа бўйича ўқитиш жараёни, профилактика инспекторлари билан ўтказилаётган амалий машғулотлар кўздан кечирилди.

Давлатимиз раҳбарига Ситуацион марказ фаолияти тақдими орқали

хавфсизлигини таъминлашда замонавий бошқарув ва мониторинг тизимларининг ўрни ҳақида маълумот берилди.

Ситуацион марказ кўриқлаш хизматининг бўлиналари ҳаракатларини назорат қилиш, мониторингини юритиш, тезкор ва фавқулодда вазиятларда кўриқлаш хизмати куч воситаларини бошқариш, йўналтириш ва онлайн кузатиш мақсадида ташкил этилган.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ҳам бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳри республиканинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий маркази сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлаганини, бир сўз билан айтганда, пойтахтда иқтисодий ривожланган даражаси сезиларли ошганини таъкидлади.

Шу билан бирга, қаерда ҳаёт яхшиланса, даромад кўпайса, ўша ерда “енгли пул топиш” ҳаракатида бўлган жиноий тузилмалар ҳам фаоллашиб, жиноятнинг янги усул ва воситалари ҳам, энг аввало, шу ерда пайдо бўлади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ «РОСАТОМ» КОРПОРАЦИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Росатом» атом энергияси бўйича давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёвни қабул қилди.

Мамлакатимизда интеграциялашган атом электр станциясини қуриш лойиҳасини рўёбга чиқаришнинг амалий жиҳатлари, шунингдек, атом энергиясини тинчлик мақсадларида фойдаланиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида биринчи кам қувватли реактор биноси учун пойдевор қўйиш ишлари бошлангани мамнуният билан қайд этилди. Электр станцияни лойиҳалаштириш ишлари давом этмоқда.

Бундан ташқари, ўтган йили

“ММФИ” миллий тадқиқот ядро университетининг Тошкентдаги филиали негизида атом энергетикаси ва ядро технологиялари бўйича илгор муҳандислик мактаби ишга туширилди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда ядро технологияларини

қўллаш, соҳада малакали кадрларни тайёрлаш, фанни ривожлантириш ҳамда ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш борасида ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА.

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида халқаро алоқалар, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш, инвестициявий жозибadorликни ошириш ҳамда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Сенат қўмитасида

Унда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасидан келиб чиққан ҳолда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида назар-

да тутилган мамлакатимиз халқаро имижини янада ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, экспорт ҳажмини кўпайтириш ва туризмни ривожлантириш чора-

тадбирлари алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда ташқи сиёсат концепциясини такомиллаштириш, яхши қўшничилик алоқаларини кенгайтириш, миллиятлараро тотувликни мустаҳкамлаш, хориждаги ватандошларни қўллаб-қув-

ватлаш, мамлакатимизнинг инвестицияларни жалб қилиш стратегияси, миллий экспорт географиясини диверсификациялаш, шунингдек, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни янада фаоллаштириш бўйича тақлифлар илгари сурилди.

Бундан ташқари, туризмни ривожлантириш стратегияси доирасида мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини халқаро миқёсда тарғиб этиш, туризм инфратузилмасини модернизация қилиш,

хизматлар сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам муҳокама этилди.

Сенаторлар “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифати ижросини таъминлашда парламент назоратини кучайтириш, давлат органлари ҳамда жамоатчилик ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН ҚАДРИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга, давлат фуқаролик хизмати тизимини такомиллаштиришга, экология, атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни тартибга солишга, бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтириш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоялашга, заргарлик саноатини янада ривожлантиришга, халқаро битимни ратификация қилишга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Вояга етмаганлар ҳуқуқлари — доимий ҳимояда

Мажлисда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Бу билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бир қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда. Хусусан, автотранспорт воситасининг босиб ўтган масофасини кўрсатувчи одометр ускунаси кўрсаткичлари ўзгартирилганлиги ёки уску-

нанинг ўзи алмаштирилганлигини била туриб, автотранспорт воситасини реализация қилишдан олдин хабардорга бу ҳақда айтмаганлиги учун жавобгарлик чоралари белгиланяпти. Шунингдек, вояга етмаганлар иштирокидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишларни кўришда педагог ёки психологнинг иштирок этиши талаби назарда тутилмоқда. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга воялатли органлар (мансабдор шахслар) зиммасида бўлади.



ИНСОН ҚАДРИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ АСОСИ



1 Бундан ташқари, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, адвокат ва қонуний вакилга судья ёки мансабдор шахсининг иштирокини рад қилиш ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасида махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш жазоси бир ярим йилгача муддатга таъинланган бўлса, махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддатини қисқартириш тўғрисида илтимоснома киритиш имконияти жазо муддатининг ярми ўтган, бир ярим йилдан уш йилгача муддатга таъинланган бўлса, ўндан икки қисми ўтган тақдир этилиши ўз аксини топмоқда.

Шу билан бирга, махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддатини қисқартириш ҳуқуқи қўлланилмайдиган шахслар тоифаси ҳам белгиланмоқда. Ушбу қоидаларнинг жорий этилиши қонунчиликдаги ноаниқликлар ҳамда коррупцияга шароит яратувчи нормаларнинг бартараф қилинишига имконият яратиши таъкидланди.



Шахноза ЖОЛДАСОВА, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси:
— Мазкур қонун лойиҳаси истеъмолчилар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, суд ишларини қўришда уларни руҳий ва психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишга қаратилган.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Давлат фуқаролик хизмати тизимида муҳим ёндашув

“Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тузилмаси ҳамда давлат фуқаролик хизмати тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда ихчам, профессионал ва самарали давлат бошқаруви тизimini шакллантириш, давлат фуқаролик хизматининг ҳуқуқий ва таъкилий асосларини мустаҳкамлаш, давлат хизматчилари ишини натижадорликка йўналтириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат фуқаролик хизмати тизими замон талабларига мос равишда тақомиллаштириб боришмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасида ҳам қатор муҳим нормалар акс этмоқда. Хусусан, боғжона, ички

ишлар, прокуратура, Миллий гвардия ходимлари ва судьялар Администрация раҳбари фармойиши билан бошқа давлат органларига ёки уларнинг тасарруфидаги ташкилотларга бошқарув ходими лавозимларига ўтганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ, уларнинг кадрлар заҳирасига киритилиши мумкинлиги ёки хизмат стажининг ҳисобга олинishi билан боғлиқ нормалар назарда тутиляпти.

Шунингдек, давлат хизматига илк бор қабул қилинган ходимлар билан меҳнат шартномаси дастлаб бир йил муддатга тузилиши, “Давлат хизматига кириш” махсус курсларини ва малака ошириш ўқувларини ўташи ҳамда инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатлар фақатгина “hnm.gov.uz” платформасида шакллантирилиши белгиланмоқда.

Масъул қўмитанинг маълум қилишича, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида у ишчи гуруҳ аъзолари ва депутатлар тақлифлари асосида тақомиллаштирилган.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши чоралар кучайтирилади

Депутатлар экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама этди.

Қонун лойиҳаси атроф-муҳит муҳофазаси йўналишидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш, хусусан, дарёларнинг ўзаниларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш тартибини бузиш, сув ресурсларини ифлослантириш, дарахтлар ва буталарни гайриқонуний равишда кесиб ёки йўқ қилиш, уларни муҳофазалаш чораларини қўрмаслик, шунингдек, атмосфера ҳавосини ифлослантириш билан боғлиқ ҳолатларга нисбатан жавобгарлиқни кучайтиришни назарда тутди.

Шунингдек, “Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ўндан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, дарё ўзаниларида норузда материалларни ноқонуний қазиб олиш, сув ресурсларини ифлослантириш, дарахт ва буталарни гайриқонуний кесиб ёки йўқ қилиш, ифлослантирувчи моддаларни белгиланган меъёрдан ортиқ миқдорда атмосфера ҳавосига чиқариш, қурилиш майдонларида чанг ва қор зарраларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этмаслик ҳамда ёқиб ўчин мўлжалланмаган жойларда ёки қурилмаларда ёқилиш, моддалар ва чиқиндиларни ёқиб ҳолатлари учун юридик шахсларга нисбатан молиявий санкциялар жорий қилиниши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, иссиқхоналарда, ишлаб чиқариш биноларида ёки ёндириш ускуналарида шиналар, битум, мазут, плёнка, синтетик картон, резина, жун толаси ва шунга ўхшаш зарарли компонентларни ўз ичига олган чиқиндиларни ёқиб ҳам маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Хайрулло ҒАҒФОРОВ, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси:
— Қонун лойиҳасида саноат ва бошқа турдаги чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаш-



Зиёдбек ЮНУСОВ, Демократик институтлар ва фуқаролик ҳаётини ривожлантириш масалалари қўмитаси аъзоси:
— Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши таъйин ва ўзғартириш ҳақида қўриб чиқилди.

Мажлисида қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор аниқлаштирувчи саволлар берилди. Қонун ташаббускорларининг жавобларидан сўнг ушбу ҳужжат депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Аёллар ва болалар манфаатлари устуворлиги — асосий мақсад

Мажлисида бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтириш, таъйин ва ўзғартиришдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизimini янада тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда болаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ўзғартиришдан жабрланган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, бола ҳуқуқларининг ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларига болага тааллуқли ҳар қандай масала ҳал этилаётганда боланинг энг устуун манфаатлари ҳисобга олинishiни белгилаш, ўзғартиришдан жабрланган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилиш асосларини мустаҳкамлаш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан айрим қонун ҳужжатларига боланинг устуун манфаатлари тушуначасини киритиш тақлиф этилмоқда. Шунингдек, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларга таъйин ва ўзғартиришдан жабрланганларнинг ҳамда уларнинг вояга етмаган болаларининг манфаатларини қўллаб-қувватлаш давлат божми тўламадан ариза, шикоят ва даъволар тақдим қилиш, суд мажлисларида қатнашиш ваколатларини бериш назарда тутиляпти. Бундан ташқари, таъйин ва ўзғартиришдан жабрланганлар махсус марказларга жойлаштирилганда уларга бир ойгача бўлган муддатга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини бериш қўзда тутилмоқда.



Зиёдбек ЮНУСОВ, Демократик институтлар ва фуқаролик ҳаётини ривожлантириш масалалари қўмитаси аъзоси:
— Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши таъйин ва ўзғартириш ҳақида қўриб чиқилди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Маҳаллий заргарлик саноати ривожланади

Депутатлар томонидан қўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат яримтайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси боғжона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш тартибини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Мамлакатимизда заргарлик саноатини янада ривожлантириш, республикада ишлаб чиқариладиган заргарлик буюмларининг ташқи бозорда рақобатбардорлигини таъминлаш ҳамда заргарлик буюмлари экспортини қўпайтиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Бунинг натижасида заргарлик саноатида сезиларли ўсиш кузатилиб, 2025 йилнинг ўзида соҳада фаолият олиб боровчи тадбиркорлар сони 2 700 нафардан орти. Экспорт кўрсаткичи эса 5,1 тоннага ёки 439 млн. АҚШ доллари-га етди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан эса қимматбаҳо металллардан ясалган яримтайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси боғжона ҳудудидан ташқарига олиб чиқишда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асшилиқ даражаси назорати инспекциясининг ҳулосасини олиш назарда тутилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида масъул қўмита томонидан бир қатор ишлар амалга оширилган, жумладан, депутатлар тақлифлари асосида лойиҳага тегишли ўзгаришлар киритилиб, айрим нормалар амалдаги қонунчилик ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда тақомиллаштирилгани айтилди.



Сапаргул УТЕМУРАТОВА, Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:
— Қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг муомаласи бўлиши соҳасидаги давлат сиёсатини тақомиллаштириш, маҳаллий заргарлик саноатини ривожлантириш ҳамда қонуний фаолият олиб бораётган маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Қонунчилик базаси тизимлаштирилади

Мажлисида “Қонунчилик базаси тизимлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги нормаларнинг ўзаро боғлиқлиги, тизимлилиги ва уйғунлигини таъминлаш ҳамда улардаги ўз аҳамиятини йўқотган нормаларни қучини йўқотган деб топиш, мазмунан бир-бирини такрорловчи қоидаларни, коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш орқали ихчам ва тўғри-

дан-тўғри амал қилувчи қонунчилик тизimini шакллантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур тизими ишларнинг мантиқий давоми сифатида бугунги кунга қадар амалда сақланиб келган, бироқ аҳамияти қолмаган бир қатор қонунларни ўз қучини йўқотган деб топиш қонун лойиҳасида тақлиф этилмоқда.

Мазкур лойиҳа қонунчилик базасини ихчамлаштиришга, фуқаролар ва тадбиркорлар учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланишни қулайлаштиришга қаратилган.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Халқаро Битим ратификация қилинади

Мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Хукумати ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги Битими (Самарқанд, 2025 йил 26 август) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Айтилганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва конструктив мулоқот тамойилларига асосланиб, халқаро ҳамда минтақавий масалалар юзасидан янги ҳамкорлиқни изчи ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда терроризм, экстремизм, иқтисодий жиноятлар ва уюшган жиноятчиликнинг турли қўринишларида келиб чиқадиган хавф-хатарларнинг ортиб бораётган давлатлар ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва мазкур соҳадаги ҳуқуқий асосларни тақомиллаштиришни тақозо этмоқда. Жиноятчиликка қарши курашишда давлатлараро ҳуқуқий ёрдамни йўлга қўйиш ва уни тизимли равишда амалга ошириш бугунги қонуннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бу борада хозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ўртасида ушлаб бериш масалалари бўйича шартномавий-ҳуқуқий асос мавжуд эмас. Бу эса икки томонлама ҳамкорлик имкониятларини муйян даражада кечкаб келган.

Мазкур Битим муқаддима ҳамда 23 та моддадан иборат. Унда жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ёки уларга нисбатан чиқарилган ҳукми ижро қилиш мақсадида ушлаб беришнинг тартиби, асослари ва шартлари белгилаб қўйилган.



Дилбар МАМАЖОНОВА, Халқаро ишлар, муудофа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси:
— Битимнинг қуча қилиши натижасида Ўзбекистон ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари ўртасида жиноят ишларини тергов қилиш ва судда қўриб чиқиш самарадорлиги ошади. Шунингдек, жиноят содир этган шахсларнинг жазодан қочиш қўтилишга йўл қўймаслик, яъни жавобгарлиқнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ТИНЧЛИКПАРВАР СИЁСАТ ЭЪТИРОФИ

Бугун дунё сиёсати тобора мураккаблашиб, қуролли моҳаролар, геосиёсий қарама-қаршиликлар ва инсонпарварлик инқирозлари халқаро барқарорликка жиддий таҳдид солмоқда. Бундай вазиятда тинчлик шунчаки шиор эмас, балки сиёсий етуклик, дипломатик масъулият ҳамда ахлоқий позицияни талаб этувчи муҳим танловга айланмоқда.

Акс садо

Ҳар бир давлат ҳам бу жараёнда фаол ва ишончли иштирокчи бўлолмайди. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тинчлик ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатида сифат жиҳатдан янги босқич бошланганининг намоёнидир.

Хусусан, Президентимиз номига АҚШ Президенти Дональд Трамп томонидан Яқин Шарқда тинчлиқни мустаҳкамлаш ҳамда моҳароларни сиёсий йўл билан ҳал этишга қаратилган халқаро ташаббусга қўшилиш бўйича расмий тақлиф йўналиши бежиз эмас.

Бу Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотларнинг халқаро майдонда эътироф этилаётганидан далолат. Қолаверса, Ўзбекистон мураккаб ва зиддиятли минтақаларда ҳам ҳолис, муросага мойил ва тинчликпарвар давлат сифатида қабул қилинмоқда.

Тинчлик кенгашига Ўзбекистоннинг аъзо бўлиши, хусусан, таъсисчи давлатлар сафига иштирок этиши халқаро муносабатлар тизимида муҳим сиёсий воқеа сифатида баҳоланмоқда. Дастлаб Ғазо секториди тинчлиқни таъминлаш ва тинчлиш жараёнларини мувофиқлаштиришга йўналтирилган ушбу ташаббус истиқболда глобал моҳароларни тартибга со-

лантириш ҳамда тинчликпарвар ташаббусларни илгари суриш орқали Ўзбекистон халқаро майдонда маънавий-сиёсий таъсирини кенгайтириб бормоқда. Аъзоликнинг вақтинчалик ва бепул асосда амалга оширилиши эса мамлакатнинг мустақил ҳамда ҳолис позициясини сақлашга, иқтисодий мажбуриятларсиз сиёсий таъсир кўрсатишга имкон яратди. Кенгаш доирасида ҳар бир давлатнинг тенг овозга эгалиги адолат ва тенглик тамойилларининг муҳим ифодасидир.

Тинчлик кенгашининг келажакада “United Nations” тизимида нисбатан муқобили тузилма сифатида шаклланиш эҳтимоли ҳам мав-

“**Тинчлик кенгашидаги иштирок Ўзбекистонга халқаро музокараларда воситачи, муросага чорловчи ва инсонпарварлик тамойилларини ҳимоя қилувчи томон сифатида чиқиш имконини беради. Бу мамлакатнинг дипломатик салоҳиятини янада мустаҳкамлаши билан аҳамиятлидир.**

лиқни ўз зиммасига олишга тайёр эканини англатади. Ўз навбатида, Тинчлик кенгашидаги иштирок Ўзбекистонга халқаро музокараларда воситачи, муросага чорловчи ва инсонпарварлик тамойилларини ҳимоя қилувчи томон сифатида чиқиш имконини беради. Бу мамлакатнинг дипломатик салоҳиятини янада мустаҳкамлаши билан аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, мазкур аъзолик Ўзбекистоннинг “юмшоқ куч” имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради. Дипломатик мулоқот, воситачилик тажрибаси, маданиятлараро тушунишни ривож-

қўприклар қураётган, фаол ва масъул ташқи сиёсат юритаётган давлат сифатида шаклланди. Марказий Осиёда ишонч ва ҳамкорлик муҳитининг тикланиши мамлакат дипломатиясининг энг муҳим ютуқларидан биридир. Қўшни давлатлар билан очик ҳамда конструктив мулоқот минтақани рақобат эмас, балки ҳамкорлик ҳудудига айлантирди.

Фарғона давлат университетиде ўтказилган “Фарғона тинчлик форуми” Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва ҳамкорлик макони сифатидаги ўрнини мустаҳкамлашга ҳисса қўшди, десак, муболаға эмас. Форумда илгари сурилган гоғлар минтақавий муаммоларга жамоавий ёндашув, қўшничилик муносабатларини чуқурлаштириш ҳамда ишонч муҳитини кенгайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бу эса Ўзбекистоннинг минтақавий дипломатияда етакчи ва бирлаштирувчи ролини яна бир бор намоён этди.

Ўзбекистоннинг Тинчлик кенгашига аъзолиги мамлакатимизнинг халқаро майдондаги маъқеи мустаҳкамлашиб бораётганининг яққол ифодаси бўлди. Бугун Ўзбекистон пасив кузатувчи эмас, балки глобал сиёсий жараёнларда ўз позицияси, масъулияти ҳамда ташаббуслари билан катнашаётган тинчликпарвар давлат сифатида эътироф этилмоқда. Ушбу аъзолик Янги Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсатида адолат, мулоқот ҳамда барқарорликни тарғиб қилувчи ишончли ҳамкор сифатидаги тарихий ролини янада кучайтиради.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, Фарғона давлат университети ректори, профессор.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ СОЛНОМАСИДА ЯНГИ САҲИФА

Осиё Олимпия кенгашининг 46-Бош ассамблеяси мамлакатимизда ўтказилиши унутилмас ва шарафли тарихий воқеа сифатида Янги Ўзбекистон солномасидан муносиб жой олди.

Фахр

Ушбу нуфузли тадбир нафақат мамлакатимизда спортни ривожини янги босқичга кўтарди, балки Янги Ўзбекистоннинг спорт соҳасида бутун дунёга очилиқчини, барча давлатлар билан кўп қиррали ҳамкорликка ҳамisha тайёр эканини намоён этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мазкур тарихий анжуманда иштирок этиб, нутқ сўзлагани мамлакатимизда Олимпия ҳаракатини тарғиб қилишда давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг яққол ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида спортнинг бутун башариятни, жумладан, биз яшаётган Осиё қитъаси халқларини бирлаштиришдаги ўрни ва таъсирига юксак баҳо бергани, соҳани янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналиш-

манида Акбар Жўраев номидаги оғир атлетика спорт клубини замонавий илмий ёндашув асосида ривожлантириш; Бирлашган кураш дунёси ташкилоти — Миктавий спорт курашлари академиясини ташкил қилиш; Осиё волейбол конфедерацияси — ҳар бир вилоятда волейбол бўйича биттадан спорт клубини бунёд этиш; Чим устида хоккей халқаро федерацияси — Тошкент ва Хоразм вилоятларида 2 та стадион қуриш каби аниқ мақсад ва натижага йўналтирилган қилишувларга эришгани қувончлидир.

Тошкент ассамблеяси доирасида имзоланган қатор келишувлар, жумладан, минтақавий спорт федерациялари ўртасидаги меморандумлар келгусида юртимиз ва Осиё қитъасида спортнинг яхлит тизими сифатида ривожланишига хизмат қилади.

Қамолддин ЭРҒАШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитасининг Халқаро олоқлар ва протокол департаменти директори.

РЕКЛАМА

ҚИЗИҚИШ БИЛДИРИШГА СЎРОВ

«Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик» лойиҳаси

Кредит рақами: 7425-UZ

Хизмат тавсифи: “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ “Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳаси доирасида лойиҳанинг молиявий

ҳисоботларини аудит қилиш ҳамда “Zero Risk” рағбатлантириш дастури бўйича тўлов аризаларини текшириш хизматларини кўрсатиш учун малакали аудит ва консалтинг ташкилотларини қизиқиш билдиришга тақлиф этади (UZ-DIP-522303-CS-LCS).

Қизиқиш билдиришнинг охириги мuddати:
2026 йил 12 февраль, соат 18:00.
Батафсил маълумот учун: udid@it-park.uz,
71-209-11-99 (10-37).

2026 йил 1 октябрдан қон билан ишлаш хизмати ташкилотларида «эҳтиёж — қайта ишлаш — етказиш» занжири доирасида бизнес жараёнларини бошқариш тизими жорий этилади.

